

## **“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасига ISO 37001:2016 халқаро стандарты жорий этилмокда.**

Коррупция дунё мамлакатларидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. У жиддий ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар келтириб чиқаради ҳамда давлат органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, ривожланишга тўсқинлик қилади.

ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартининг ишлаб чиқилишини глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин.

ISO 37001:2016 ўзи нима?

ISO 37001:2016 – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиласиган халқаро стандартdir.

ISO 37001:2016 коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун талабларни ва раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди.

ISO 37001:2016 ҳар қандай юрисдикцияда ва ҳар қандай сектор ҳамда тармоқда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган.

Шу ўринда, нима учун корхонада ISO 37001:2016 ни жорий қилиш муҳим деган савол туғилади.

Корхонадаги ҳар бир ходимни назорат қилиш учун самарали тизим керак.

ISO 37001:2016 корхонага у қайси мамлакатда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқишида, жорий этишида, сақлашда ва такомиллаштиришида ёрдам беради.

Ушбу стандартга мувофиқ бошқарув тизимини жорий қилиш корхона раҳбарига ҳар бир ходимнинг ҳалоллиги ҳақида хавотир бўлиб юрмасликка имкон беради, чунки бу ҳолат ушбу жорий этилган тизим томонидан назорат қилинади. Тизимни жорий этилиши натижасида корхонада тўғри йўлга қўйилган жараён зарур натижани берадиган механизм сингари ишлайди.

Таъкидлаш лозимки, ISO 37001 нафақат коррупцияга қарши тизимга нисбатан аниқ талабларни белгилайди, балки корхонанинг бошқарув тизимида талабларни жорий этиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштирадиган тизимни яратиш бўйича қўлланмавий кўрсатмалар беради.

Тизимни жорий этиш:

-маъмурӣ тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;

-корхона тузилмалари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;

-таркибий тармоқлар, цехлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;

-фуқароларнинг, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

ISO 37001:2016 бўйича сертификат олиш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш керак.

ISO 37001:2016 корхонада бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан:

-коррупцияга қарши сиёsatни ишлаб чиқиш;

-коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;

-ходимларни ўқитиш;

-коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;

-молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисботлар юритиш ва бошқалар.

Стандартга мувофиқ, самарали коррупцияга қарши сиёsat учун ваколатли ва жавобгарлиги белгиланган коррупцияга қарши курашиш хизматини жорий этиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш хизмати етарли ресурсларга эга бўлиши, тайинланган шахслари эса тегишли малака, мақом, ваколатларга ва мустақилликка эга бўлиши керак. Хизмат, зарурати бўлган тақдирда, коррупцияга оид ёки коррупцияга қарши бошқарув тизими билан боғлиқ ҳар қандай савол ёки муаммони энг юқори даражада кўриб чиқиш учун юқори турувчи раҳбариятга тўғридан-тўғри ва тезкор кириши имкониятига эга бўлиши керак.

Хавф даражаси паст даражадан юқори бўлган барча лавозимларга, шунингдек коррупцияга қарши кураш хизматининг мутахассисларига нисбатан корхона қўйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:

-ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш,

уларнинг коррупцияга қарши сиёсат ва бошқарув тизими талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш;

-мехнатга ҳақ тўлашнинг бошқа барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини (бонуслар, мақсадли кўрсаткичлар ва ҳоказо) уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;

-ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан декларацияни тўлдириб турадилар.

Шунингдек, ушбу стандартга мувофиқ бўлиш учун корхона ўз ходимларини етарли даражада хабардор қилиши ва ўқитишни таъминлаши керак. Бундай ўқитиш тизими, зарур ҳолларда, коррупция хавфини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги саволларни ўз ичига олиши лозим:

- корхонанинг коррупцияга қарши сиёсати, коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва бошқарув тизими, шунингдек ходимнинг уларга мувофиқ бўлиш мажбурияти;

- коррупция хавфлари ва улардан ходим ва ташкилот учун заарлар;

- хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар ва уларни аниқлаш усулари;

- таъмагирлик ва пора таклиф қилишга уринишларни қандай аниқлаш ва ўзини қандай тутиш кераклиги;

- ходимларни қандай қилиб порахўрликдан огоҳлантириш ва олдини олишга ёрдам бериш, шунингдек коррупциянинг асосий индикаторларини аниқлаб олиши мумкинлиги;

- коррупцияга қарши бошқарув тизимининг самарадорлигига қўшган ҳиссаси, шу жумладан коррупцияга қарши кўрсаткичларнинг яхшиланишини ва порахўрликда гумон қилинганлар тўғрисидаги хабарларни рағбатлантирилиши;

- коррупцияга қарши бошқарув тизими талабларини бажармасликнинг асоратлари ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари;

- мавжуд ҳар қандай гумонлар ҳақида қандай ва кимга хабар бериш мумкинлиги;

- мавжуд бўлган ўқитиш ва бошқа ресурслар ҳақида маълумотлар.

Шунингдек, корхонада пора сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳолатларда совғалар, миннатдорчилик рамзлари, хайр-эҳсон ва шунга ўхшаш рағбатлантириш турларини таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар жорий қилиниши лозим.

Хулоса қилиб, айтадиган бўлсак, ISO 37001:2016 стандартини жорий этиш ходимларнинг ҳалоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффофф ва самарали тизимини яратишни мақсад қилган давлат идоралари учун жуда самарали восита бўлиши мумкин.

ISO 37001:2016 сертификатини олиш орқали давлат органи ва бошқа ҳар қандай ташкилот ўзининг шерикларига, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларга коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф қилиш учун зарур бўлган барча чораларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошираётганини намойиш қилиши мумкин.

**Комплаенс назорат  
бўйича мутахассис  
Р.Э.Эшмирзаев**